ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Дам олиш сонида:

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 94 (9.286) 1999 йил 13 август, жума ◆ Сотувда эркин нархда




*Саноат*

## ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамиятда жорий йилнинг ярмида 16 миллион сўмликка яқин маҳсулот тайёрланиб, олти ойлик режа 114 фоизга бажарилди. Бичув, тикув ҳамда попоп цехларида яратилаётган ноёб нусхали жойнамоз, палак, сўзана сингари маҳсулотларга аҳоли талаби ортаётгани боис меҳнат унумдорлиги юқори бўлмоқда.

Мустақиллигимизнинг 8 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олишга интилаётган чеварлар байрам арафасида «Ниҳол», «Томчи», «Ўзбекистон офтоби», «Буюк ипак йўли» деб номланган нафис маҳсулотларини харидорларга тортиқ этишди.

*Дилноза FИЁСОВА.*

## МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**КЕЧА**

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт Маънавият ва маърифат кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.***

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокими Маънавият ва маърифат кенгаши ташкилий гуруҳи раҳбари Козим Тўлаганов сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

— Олдимизда иқтисодий-ижтимоий ривожланиш суръатларини ошириш, халқ турмушини янада фаровонлаштиришдек улкан вазифалар турган бир вақтда, маънавий-маърифий ишлар тизимини такомиллаштириш, бу борада фаолият кўрсатувчи ташкилотларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, бунинг орқасидан улар фаолияти самарасини кескин ошириш зарурлиги талаб қилинмоқда. Бугунги таъсис конференциясида ана шу масалаларга оид муаммолар ечимини топиб, ҳал этадиган шаҳар кенгаши ташкил этилмоқдаки, у шу дамгача бу борада олиб борилган тарқоқ ва самараси кам йўналишларни бирлаштириб, ягона механизмни вужудга келтиради.

Конференцияда сўзга чиққан Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг ректори Н. Иброҳимов, шаҳар бош имом хатиби А. Турсунов, тарих фанлари доктори Д. Алимова, «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси А. Гадойбоев мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида мазкур кенгаш катта ўрин тутиши лозимлигини таъкидлашди. Маънавий-маърифий тикланишнинг ижобий бунёдкорлик ишлари моҳиятини кучайтириш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялаш кенгаш олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида қайд этилди.

Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгаши аъзолари, раиси ва ўринбосарлари, масъул котиби сайланди. Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов кенгаш раиси этиб сайланди. Шаҳар ҳокими ўринбосарлари Р. Акромов ва Э. Эрназаров кенгаш раиси ўринбосарлари, шаҳар маънавият ва маърифат маркази раҳбари С. Салимов кенгашнинг масъул котиби этиб сайландилар.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Азамат Зиё сўзга чиқди.

**ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ**



## ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

***Китоб улкан хазина, қалбимиз офтоби, дилимизга зиё бағишловчи беқиёс билимлар манбаидир. Ана шундай улкан хазинадан халқимизни баҳраманд этишга пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси ходимлари ҳам муносиб улуш қўшиб келишмоқда. Зиё маскани довруғини нафақат мамлакатимизга, балки жаҳон мамлакатларига ҳам унинг номини танитишда кутубхона директори, филология фанлари номзоди, доцент, «Шуҳрат» медали соҳиби Абсалом Умаровнинг ҳиссалари, амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари каттадир.***

**— Абсалом ака, мустақиллик шарофати билан кутубхонада қандай ўзгаришлар рўй берди?**

— Аввало, мустақиллик бизга ўзлигимизни қайтарди, инсон қадрини билишни ўргатди, ким эканлигимизни яна бир бор англатди. Ахир, инсон ўзининг кимлигини билиши, буюк аждодлари номини қалби тўла фахр билан баралла айта олиши ҳам буюк бахт, буюк неъмат-ку. Менинг ўзим эса ушбу кутубхонанинг раҳбари сифатида Германия, Дания, Голландия, Бельгия ва бошқа кўплаб давлатларда кутубхоначилик, ахборот алмашув бўйича форум ва конференцияларда бўлдим. Яқинда эса Бангкок шаҳрида бўлиб ўтадиган «ИФЛА» — халқаро кутубхоналар ва муассасалар федерацияси томонидан биринчи марта ўтказиладиган миллий кутубхоналар директорларининг конфедерациясида мустақил мамлакатнинг миллий кутубхонаси раҳбари сифатида иштирок этишим ҳам бу катта бахт.

Ҳамкорлик асосида кутубхонамизнинг моддий-техник базаси ҳам ривожланиб бормоқда. Албатта, Истиқлол туфайли бош кутубхонамиз миллатимизнинг бойлигига, халқимизнинг маънавиятини юксалтириш борасида ходимларимиз ҳақиқий тарғиботчига айланди.

Ҳозирда 5 миллионга яқин китоб, газета ва журнал фондимиз мавжуд. 40 мингдан зиёд доимий китобхонларимиз бор. Хорижнинг 70 дан ортиқ кутубхоналари билан алоқа ўрнатганмиз. Мамлакатимизда чиқадиган ҳамма китобларни ўз вақтида оламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биз фақат бюджетга қараб ўтирмай, ўзимиз ҳомийларни ҳам жалб этамиз. Бу катта самара бермоқда. Республика Олий ва ўрта таълим вазирлиги энг яқин кўмакчимиз бўлмоқда. Уларнинг ёрдами билан 1,5 миллион сўмлик китоб олинди.

**— Байрамолди тилакларингиз...**

— Шундан фахрланаманки, меҳнатларим муносиб тақдирланмоқда. Уч ўғил ва уч қизни юртимга муносиб фарзандлар қилиб тарбияламоқдаман. Истардимки, ўзбегимнинг фарзандлари билим олишдан, китоб ўқишдан чарчамасинлар. Зеро, ҳамма нарсанинг калити билим эгаллашда. Зиё таратувчи барча ходимлар халқимизга юксак маънавият улашишдан асло толмасин. Одамларимизнинг қутлуғ қадамлари зиё масканларидан ҳеч узилмасин.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

## ДАВР САДОСИ

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ АХБОРОТЛАР*

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

◆ 12 август куни Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Японияниннг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Киоко Накаяма ишонч ёрлиғини топширди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Автомобиллар тўхташ жойлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди.

◆ Вазирлар Маҳкамасида Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Қўшинларни тайёрлаш режасига мувофиқ, шу йилнинг 16-19 август кунлари Тошкент шаҳри ва республикамизнинг бир қатор вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қўмондонлик — штаб ўқув машқлари бўлиб ўтади.

◆ Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида «Ўзбекистоннинг дин ва виждон эркинлиги борасидаги бугунги сиёсати» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

◆ Мустақилликнинг саккиз йиллиги арафасида «Бектемир бозори» очиқ акционерлик жамияти ҳудудида улгуржи бозор ишга тушади.

◆ Марказий «Пахтакор» ўйингоҳида 11 августда 1979 йил авиаҳалокат туфайли бевақт оламдан кўз юмган футболчиларимиз хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига ва футболчилар дафн этилган қабрлар тепасига гулчамбарлар қўйилди.

◆ Пойтахтимиздаги Миробод тумани 3-ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бўлинмасида оммавий ахборот вакиллари билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

**ЖАҲОНДА**

◆ Ереванда Арманистон билан Италия ўртасида юк ва йўловчи ташишни тартибга солиш ҳамда истиқболли ривожлантириш тўғрисида битим имзоланди.

◆ Президент Леонид Кучма парламент томонидан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қонунни имзолади. Бу қонунга кўра Украина қамоқхоналаридан 40 мингдан зиёд маҳбус озод этилиши тахмин қилинмоқда.

◆ Қримда ўтказилган «Вино — 99» Халқаро танловида ўзбекистонлик виночилар томонидан тайёрланган маҳсулотлардан 5 таси олтин, 7 таси кумуш ва 1 таси бронза медалига сазовор бўлди.

◆ Кеча Қозоғистонда америкаликлар билан ҳамкорликда ўтказилган «Ёрқин — 99» машғулоти ниҳоясига етди.

◆ Эртага Покистон халқи ўзининг миллий байрами — Мустақиллик кунини нишонлайди.

◆ Доғистонда 4,5 балли куч билан ер силкиниши рўй берди.

◆ Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн Эрон — Ироқ уруши тугаганига 11 йил тўлиши муносабати билан сўзлаган нутқида Теҳрон ҳукуматини кескин танқид қилди.

◆ Ҳиндистон ҳарбийлари Покистон ҳарбий-денгиз кучлари самолётини уриб туширишди. Покистон раҳбарларининг хабарига кўра, самолёт бортидаги 16 киши ҳалок бўлган. Ҳиндистон раҳбарларининг баёнотига кўра, самолёт Ҳиндистоннинг осмон чегараларини бузиб ўтган. У авиабазага қўнишдан бош тортганлиги учун Гужарат штати осмонида уриб туширилган.

◆ АҚШ Президенти Билл Клинтон ўзининг вориси бўлиши мумкин бўлган ҳозирги вице-президент Альберт Горнинг сайловолди кампаниясида биринчи бор иштирок этди. АҚШдаги Президент сайловлари келгуси йили ўтказилади.

## ПОЙТАХТ ҲАЁТИ: янгиликлар, воқеалар, муаммолар



# УЙЛАР ВАҚТИДА ТОПШИРИЛАДИ

***Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги шодиёнасини муносиб совғалар билан кутиб олиш бобида барча соҳа меҳнаткашлари жадал суръатлар билан ишлашмоқда. Айниқса, бу борада бунёдкорларнинг улуши самарали. Улар нафақат мустақиллик, балки ўзларининг касб байрамларини ҳам кўтаринки руҳда қарши олишмоқда.***

«ЎртаОсиётрансқурилиш» трестига қарашли 733-қурилиш-тиклаш поезди бунёдкорлари бу қўш байрамни ўзгача завқ ва шавқ билан кутиб олишаётир. Улар биринчи маротаба «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг буюртмаси асосида ғиштли уй қуришга киришиб, бош пудратчилик қилишмоқда.

— Бу уй фақат пишган ғиштдан бунёд этилади, — дейди ишлаб чиқариш устаси Хайрулла Раимжонов. — 48 хонадонга мўлжалланган тўрт қаватли бинони тез ва соз қад ростлатиш учун биздан бошқа яна иккита ёрдамчи пудратчилар меҳнат қилишаяпти. Уйларнинг устун қисми бетондан иборат бўлади. Сабаби, уй янада мустаҳкам бўлсин деб, лойиҳада шундай кўрсатилган. Ишимиз бир сменада ташкил этилган. Иссиқ овқат ва қайноқ чой вақтида бериб бориладн, фақат сут-қатиққа талаб кучли, бироқ аввалгидай таъминот йўқ. Лекин шундай бўлишига қарамасдан барча камчиликларга ўзимиз барҳам бериб, бағамжиҳатлик билан ишлаяпмиз. Бу борада сувоқчи Зокир Яхшибоев, ғишт терувчилар Зокир Ҳатамов, Фивор Хайрутдиновлар, бетончи Идрис Карамаловларнинг ҳиссаси катта. Кўп бунёдкорларнинг ёши пенсия ёшига етиб бормоқда. Шунинг учун ёш йигитларимиз қурилишда ишлаб, мана шу акахонларнинг тажрибасини ўрганиб олишса деймиз. Паст қаватдаги енгил-елпи ишларни қилишаверади. Аммо уйларнинг тўртинчи ёки бешинчи қаватига келганда бу катта ёшдагиларнинг соғлиғига тўғри келмай қолаяпти. Баъзи бир давраларга кириб қолсангиз ёшлар ишлайдиган иш йўқ дейишади. Бироқ қурилишда ишлаш ҳам ёшлик, жўшқинлик ва ғайратлиликни талаб этади-ку.

Мана мен 1995 йилда қурилиш техникумини тугаллаб, қурилишларда меҳнат қилиб келаяпман. Қурувчилар билан касб байрамимизни бешинчи маротаба, мустақиллигимизнинг саккиз йиллигини биргаликда нишонлаётганимиздан ғоят мамнунман. Шаҳримизда бунёд этилаётган уйларнинг бир қисмида бўлса-да, ҳиссамиз борлигидан, қурувчи эканлигимдан фахрланаман. Мана шу фахр-ифтихор бизларга ғайрат бахш этиб, уйларни вақтида қуриб топширишга мадад бўлаётир.

*Гули АБДУЛЛАЕВА.*



*СУРАТЛАРДА: уй-жой қурилишининг умумий кўриниши; (ўнгдан чапга) Хайрулло Раимжонов, бригадир Анвар Хайриддинов, қурувчилар Маҳмуд Аҳматов, Мансур Эргашев, Мухтор Турғуновлар билан лойиҳани қайта кўздан кечиришмоқда.*

*Солиҳ Зоир олган суратлар.*

*Муносабат*

# ТОЗАЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БОР

Тонг. Тоғлар ортидан шафақдек товланиб чиқаётган қуёш заррин нурларини рўйи замин узра таратишга шайланмоқда. Бутун олам янги кун умиди билан уйғонмоқда.

Тонг саҳарда турган қиз-жувонлар, келинчаклар ишни тозаликдан бошлайдилар. Улар фақатгина ҳовлиларинигина эмас, балки остонадан кўчага қадар, уй атрофини сув сепиб, супуриб, чиннидек тозалаб қўйишади. Бу орасталик, тозаликни кўрган кишининг баҳри дили очилади. Тонгдаги яхши кайфият эса инсонга кун бўйи йўлдош бўлади.

«Тозалик бор жойда барака бор», дейди халқимиз. Шунинг учун тозаликка жуда катта эътибор берилган. Маҳаллаларда дарвозасининг олди супурилмаган хонадонлар ҳурматга нолойиқ деб топилган. Янги тушган келинчакка ҳам унинг саранжом-саришталигига, орасталигига қараб яхши ёки ёмон деб баҳо берилган. Айниқса, ўзбек оилаларида қизларга ёшлигидан тозаликка қатъий риоя қилишга ўргатиб борилган. Шунинг учун бўлса керак, маҳаллаларда махсус белгиланган фаррош бўлмаса-да, кўча ва кўча бўйлари доимо кўрган кишининг кўзини қувнатган.

Истаймизми-йўқми, меҳмонлар халқимиз ҳақида шаҳримиз кўчаларига қараб баҳо беришади. Қолаверса муаззам Тошкент нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Шарқнинг энг йирик маданий ўчоқларидан бири. Ҳар куни пойтахтимизга дунёнинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар, ишбилармону тадбиркорлар келиб кетишади. Улар эса шаҳар ободончилигига, орасталигига, одамларимизнинг қай даражада маданиятли эканликларига ҳам катта эътибор беришади.

Тан олиб айтиш керак, шаҳар марказидаги озодалик ва ободончилик ишлари рисоладагидек. Аммо сал четроққа чиқсангиз аҳволни кўриб кўнглингиз ранжийди. Кўчалар ифлос, йўллар нотекис, йўлакдаги ариқлар ахлат билан тўлган, болалар майдончаси учун ажратилган ерлар қўни-қўшнилар ўртасида томорқа сифатида ўзаро бўлиб олинган. Маҳалла оқсоқоллари мавзе ва кўчаларда ободонлаштириш ҳамда озодаликни таъминлашга кенг аҳоли қатламлари иштирокини таъмин этмаётирлар.

Қадимда аждодларимиз шаҳар озодалигига алоҳида эътибор беришган. Чунки ёзи жазирама бўладиган ўлкамизда, шаҳарда сал бепарволик оқибатида тўпланиб қолган ахлат турли касалликларнинг тарқалишига асосий манба бўлган. Натижада вабо, ич терлама ва бошқа юқумли касалликлар оқибатида минглаб кишилар ҳаётдан бевақт кўз юмишган. Бугунги кунда ҳам ойлаб олиб кетилмай тўпланиб қолган ахлатлар ва ифлос ариқлар турли хил хасталикларга сабаб бўлаётир.

Илгарилари ҳашар йўли билан ариқлар бир йилда икки марта тозаланарди. Ҳозир эса бу ишни на мутасадди ташкилотлар, на аҳоли бажараётир. Тўғри, марказий кўчалардаги ариқлар бундан мустасно! Лекин кўп қаватли уйлар ариқларидан зилол сувлар оқмай, йўлаклар асфальтланмай ўйдим-чуқур бўлиб кетганлиги боис ёзда чанг, қишда ёғингарчиликда лой ярим белимизгача чиқаётир.

Биз баъзан Европа давлатларидаги шаҳарларнинг тозалиги ҳақида оғзимиздан сув кетиб гапирамиз. Аслида шаҳарни тоза тутиш Шарқ халқларига хос бўлган. Масалан, эшитишимизча, яқин ўтмишда биргина Бухоро шаҳридаги юздан ортиқ ҳовузга аҳоли бир бегона чўп туширмаган.

Баъзан ўзим яшайдиган 9-мавзедан пиёда кета туриб хафа бўлиб кетаман. Ахир шу кўча билан шаҳар ўзимизники-ку! Нега унинг озодалиги, покизалиги учун курашмаймиз? Нега биз ота-боболаримиздан қолган ҳашар деган удумни унутдик? Наҳотки дам олиш кунлари бирор соатни ажратиб бутун «дом» билан тозалаш ишлари ўтказиш мумкин эмас?! Қачонгача бу боқибеғамлик давом этар экан, деб ўйлайвераман.

Кўп қаватли уйларда яшовчилар, қани айтинглар-чи, сизларда аҳвол қандай? Озода ва саришта кўчалар, зилол сув оқаётган ариқлар кўнглингиз ғуборини ёзадими?

*МОҲИНУР.*

*Анжуманлар*

# ФАЗОГИР БИЛАН ДИЛДАН МУЛОҚОТ

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 1998 йилда «Шаттл—Спейс» ва «Мир» дастури бўйича «Индевар» космик кемасида ўзининг фазога илк парвозини амалга оширган космонавт учувчи, юртимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени нишондори ўзбекнинг мард ва жасур ўғлони Солижон Шарипов иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.***

Солижон Шарипов йиғилганларга унда фазогир бўлиш орзуси қандай туғилганлиги, бу йўлдаги дастлабки қадамлари, келгусидаги режалари тўғрисида батафсил сўзлаб берди. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг мени «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини Паркент туманидаги ёшлар аэрокосмик мактабида болалар билан машғулот ўтказаётган пайтимда эшитдим, — деди жумладан у. — Ўзимни Ўзбекистоннинг энг буюк инсонлари қаторида шундай олий нишон билан мукофотланганлигимдан жуда бахтли ҳис қилдим.

Шунингдек, учрашувда иштирок этган «Ўзбеккосмос» агентлиги «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош конструктори, Республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Шавкат Воҳидов коинотни ўзлаштиришнинг халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича аҳамияти, «Ўзбеккосмос» агентлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб берди.

Сўнг улар журналистларни қизиқтирган саволларига жавоб қайтаришди. Тадбир сўнггида космонавт-учувчи Солижон Шариповга буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз бюсти, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Маънавий юксалиш йўлида» китоблари совға қилинди.

*Қутлуғ саналар*

# ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

**Женева Конвенциясининг қабул қилинганига 50 йил тўлди**

1949 йилда имзоланган тўртта Женева Конвенциялари ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган муҳим тарихий воқеага айланди. Ушбу Конвенциялар ҳаракатдаги армияларда ярадор ёки касаллар, тиббиёт ходимлари, кема ҳалокатига учраган ёки асир тушган ҳарбийларни ҳимоя қилади. Конвенцияларда, шунингдек, урушлар даврида тинч аҳолининг ҳимоясини таъминлаш ҳам қонуний тарзда мустаҳкамланган.

Ҳаётнинг ўзи бундан 50 йил аввал қабул қилинган Женева Конвенциялари қоидаларининг нақадар долзарб ва муҳимлигини кўрсатди. Халқаро Гуманитар ҳуқуқнинг асосий ҳужжатлари бўлмиш конвенциялар қоидаларига кўра Тожикистон, Чеченистон ва Югославиядаги қуролли можаролардан зарар кўрганларга баҳоли қудрат кўмак кўрсатилмоқда.

Халқаро Қизил Хоч қўмитаси эса Халқаро Гуманитар ҳуқуқнинг асосчиси ва ҳаётга татбиқ этувчиси ҳисобланади. 188 та мамлакат ҳукуматлари ҳозирда Халқаро Қизил Хоч қўмитаси орқали ўз фаолиятларини Халқаро Гуманитар ҳуқуқ асослари бўйича амалга оширмоқдалар.

1993 йил сентябрида Ўзбекистон Республикаси парламенти 1949 йилги Женева Конвенциялари ва унга қўшимча баённомаларни ратификация қилди. Шу тариқа бизнинг ҳукуматимиз ҳам халқаро ҳамжамият олдида ўз зиммасига Женева Конвенциялари қоидаларини бажариш мажбуриятларини олди.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Халқаро Қизил Хоч қўмитаси билан ҳамкорликда аҳолининг кенг табақалари ўртасида Халқаро Гуманитар ҳуқуқ бўйича билимларни тарғиб этиш фаолиятини йўлга қўйди. Хусусан, Халқаро Гуманитар ҳуқуқни ўрганиш бўйича илк семинарлар Президент девони, Олий Мажлис, Республика Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар, Адлия ва Мудофаа ишлари вазирликлари ходимлари учун ташкил этилди.

Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликдаги фаолият натижасида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ва республика жамиятшунос олимлари томонидан ўрта мактаблар учун «Инсон ва жамият» курси бўйича дарсликларга қўшимча ўқув қўлланмаси тайёрланди. Қўлланмада Амир Темур, Ибн Сино, Алишер Навоий, Нодирабегим каби буюк давлат арбоблари, олимлар ва маърифатпарварлар ҳаёти ва ғоялари асосида Женева Конвенциялари меъёрлари асосини ташкил этувчи инсонпарварлик ва меҳр-шафқат қадимдан ўзбек халқиға хос хислатлар эканлиги очиб беради.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

ки нонушта вақтигача бир-икки кунлик йўл юр-

**(Давоми бор).**

ташкил топиб, ҳар бирини ўз уя-

*тайёрлади.*

# ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР



Обод ва озод элга тўй ярашади.

*Ғаройиб ҳодисалар*

## ЗОМБИ СИРИ ЕЧИЛГАНМИ?

1731 йили Франциянинг мустамлакаси бўлмиш Гаитига ярим миллиондан ошиқ қора қуллар келтирилди. Бу қуллар орасида Африкадаги турли қабилалар сардорлари ҳамда энг кучли жодугарлар, сеҳргарлар ҳам бор эди. Бу одамлар ўз юртида ҳеч қандай қамоқхона, судларсиз эркин ҳаёт кечиришган. Яъни цивилизация шарт-шароитлари уларга тўғри келмасди. Шунинг учун улар ерли ҳукмдорларни қўрқитиш мақсадида энг ноёб ҳодиса — зомби усулини ишлатдилар. Яъни улар учун кераксиз одамни тўсатдан ўлдиришарди. Уни ўзларининг урф-одатлари бўйича кўмишар эди. Бир неча кундан кейин ўлик қазиб олиниб, тирилтириш урф-одатларидан кейин у тирилар эди.

Шу пайтгача ҳам зомби сири ечилмаган, унинг сабаблари номаълум. Шу нарса маълумки, ўладиган одам овқатига зомби кукуни сепилади ва у ҳаётдан кўз юмади. Бу ўлим табиий ўлимдан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Кукуннинг таркибини тетродотоксин ташкил қилади. У табиатда энг кучли заҳарли модда ҳисобланади. Бу заҳар Кариб денгизида яшайдиган балиқлардан олинади. Олимларни ҳайрон қолдирадиган ҳодиса бу одамнинг юраги тўхтаб, ҳеч қандай нафас олмасдан бир неча кун тупроқ остида ўлиб ётишидир.

Африкадан Гаитига хабашлар келтирилгандан кейин, улар летаргия — узоқ вақт уйқуга кетиш усулини қўллашни бошладилар. Бу уйқу ҳеч қандай сабабсиз бир сониядаёқ содир бўлади. Машҳур АҚШ олими, шифокор Гарри Райт ўз кўзи билан кўриб турган шароитни шундай ҳикоя қилади: «Одамга қандайдир алкалоид (азотли органик бирикмалар) ичиришди, кейин у гипноз қилингандай қотиб қолди ва гавдада ҳаёт намунаси йўқ бўлди. Бир неча соатлардан кейин ўлган одам ҳеч қандай дорисиз, қўлни ҳам тегизмай тирилтирилди. Менинг ақлимга сиғмаган бу воқеа кўз ўнгимда бўлгани учун ҳам инсоният табиатдаги кўп сирларни билмаслигини англадим».

Одамнинг зомби ҳолатини Африка ҳабашлари, Жанубий Американинг Амазонка қирғоқларида яшовчи ерли халқлар ихтиро қилмай, балки бундан 3 минг йил илгари Ҳиндистон йоглари қўллашган. Улар ўзларининг нимага қодир эканликларини айниқса томошабинлар ичида намойиш қиладилар. Бу ерда ҳеч қандай кўзбўямачилик ва бошқа алдамчилик усуллари мутлақ ишлатилмайди. Йоглар устида илмий тадқиқотлар олиб борган олим Пире Жировис шундай эслайди: «Кўз олдимда тўсатдан бир сония вақт ҳам бўлмай ҳеч қандай дори ичмай бир киши ўлик ҳолатга келди. Унинг танасига ўрнатилган асбоблар экранида юрак уриши ритми тўғри чизиқни кўрсатарди, яъни юрак тўхтаган эди. Мен таажжубга тушиб, лолу ҳайрон қолдим. Икки соатдан кейин йог ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўзига келди ва асбоблар юрак уришини кўрсатиб турди. Экранда олдин узун чизиқ ва кейин қийшиқ паст-баланд чизиқлар пайдо бўлиб, секин-аста юрак уриш ритми нормал ҳолига келди».

Бизлар зомби ҳолатини кўпинча даҳшатли, қўрқинчли фильмлар орқали кўриб биламиз, ёки бўлмаса турли мишмишларни эшитамиз. Олимларнинг бу соҳадаги фикрларига келсак, XVIII асрдаёқ Гаитида тадқиқотлар олиб борган С. Гейлснинг фикрича, одамнинг зомби ҳолатида портал юрак ишлайди деган тахмин пайдо бўлди, яъни инсон ҳаётида 3 та ҳолат бўлади. Биринчиси уйқу, иккинчиси мудраш, учинчиси портал юрак ишлаганда ўлик ҳолатга келиш, одам ўлди-кислород йўқ, лекин портал юракка кислород керак эмас, чунки танадаги мушакларда қолган анаэроб гликолиндан кўплаб соат энергия заҳирасини ишлатиш мумкин экан.

Лекин жаҳон тиббиёт фани тажрибалар асосида тасдиқлаган хулоса шуни кўрсатадики, одам ўлгандан кейин 8-15 дақиқа ўтгач, мия фаолияти, унинг миллиардлаб ҳужайралари ҳам сўниб боради. Бу эса одам тирилтирилганда ҳам фикрлаш қобилиятини секин-аста йўқотади, деган хулосадир.

Биз келажакда инсондаги учинчи ҳолатнинг сабабини ўргансак, одамларни тубдан оммавий соғломлаштириш усул ва йўллари топилишига имкон туғилади. Биз бу ишларнинг барчасини келажак ёш авлодларимиз ҳал қилади деган умиддамиз.

*Илҳом ШЕРМУҲАММАД.*

*Ҳар тўғрида*

## ҒАЛАТИ ТАЖРИБА

Замин пойдеворининг нотекис чўкиши туфайли Ғарбий Германиянинг Эссен шаҳридаги уч қаватли уй қийшая бошлади, бинобарин, бино хавф остида қолди. Уни оддий усулда тўғрилаш керак бўлса, иморатни бузиб, ўрнида қайтадан барпо этиш лозим эди. Мушкулликдан қутулишнинг антиқа йўли топилди: бино энг зўр кучланишлар линияси, яъни узилиш рўй бериши мумкин бўлган қисм бўйлаб арраланиб, кейин тўғриланди ва ҳар бирининг пойдевори мустаҳкамланди. Хонадон соҳиблари арралаш вақтида квартираларида бемалол яшайверишди, чунки уларни ҳеч нима безовта қилгани йўқ. Бу ишда занжирсимон олмос арра қўл келди, у соатига 100—160 миллиметр қирқиш қувватига эга эди.

Замин эски шахта ўрни бўлганлигидан бўшашиб қолган Рур областида грунтнинг чўкиши камёб ҳодиса эмас. Муваффақиятли ўтказилган илк тажрибадан кейин яна бир қанча бинолар худди шундай усулда сақлаб қолинди.

*Шарқ дурдоналари*

## Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур...

◆ «Иҳо» ва «Кимё» китобларида фарзанд ҳақида қуйидаги гаплар айтилади: «Фарзанд ота-она қўлидаги омонатдир, унинг дили эса нафис гавҳарга ўхшайди. Гавҳарга ҳар хил нақшлар солиш мумкин бўлгани каби бола дилига ҳам турли фикрлар нақшини солиш мумкин. Бола қалби тоза ер кабидир, унга қандай уруғ сепсанг ўша уруғ унади. Шунинг учун ота-она ва муаллим бу ишда ўзаро ҳамкор бўлиб, унинг дилига яхшилик уруғинигина сепмоқлари лозим».

ҲИКОЯТ. «Равзаи хулд» асарининг муаллифи Мавлоно Мажиддиннинг ёзишича, у бир куни Язд шаҳрида ваъз айтаётган экан. Гап ота-она ҳақида кетаётган пайтда бир қария ўрнидан туриб, йиғлаганича: «Эй мавлоно, отасининг соқолидан тутиб, бошига калтак билан урган фарзанд ҳақида нима дейсан?» — деб сўради. Мен ундан: «Отаси уни нима ишга ўргатган эди?» — деб сўрадим. У эса: «Эшакни ижарага беришга» — деб жавоб берди. «Айб унинг отасида, — дедим унга, — болани ёшлигидан илм ўрганишга жалб қилганида ва яхши кишилар суҳбатига юборганда ундан бундай иш содир бўлмас эди. Ота бундай қилиш ўрнига эшакни ижарага беришга ўргатипти. Натижада бола эшакни жиловидан тортиб, бошига чўп билан уришга ўрганиб қолган. У ўз отасининг соқолини эшакнинг жилови, деб ўйлаб тортган, бошига эса эшакнинг боши деб ёғоч билан туширган».

Фарзандни жаҳл зимистонидан илм рўшнолиги томон етаклагинки, илм инсон фахри, жоҳиллик эса ғафлатдир.

***Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-ЖОМИЙ.***

◆ Фарзанд ота-онанинг бахти ва қувончи бўлишига қарамай, агар у ота-она розилигидан ташқари иш тутса ундай бераҳм фарзанддан ақлли бегона яхшидир. Муаллиф:

***Фарзанд эрур давлат боғига ниҳол,***
***Ундан кулиб боқар бахт ила иқбол.***
***Қолдирса агар у яхши деган ном,***
***Эл ичра обрўйи ошар батамом.***
***Фарзанд бўлса ҳамки хуршиди тобон,***
***Безори бўлса у юз бур ўша он.***

◆ Яхши ишлар денгизининг ғаввослари шундай кишилар бўладики, яхши ишлар жавоҳирини ҳусну хулқ риштасига териб, ширин забонлик шакарини катта-кичик ошноларидан дариғ тутмайди ва худди обиҳаёт каби барча мижозларига тинчлик ва ҳаловат бахш этади. Қўполлик ва тундлик ниши билан ҳеч кимнинг роҳат сийнасини мажруҳ қилмайди! Фард.

***Агар бир дилни оғритсанг сени ҳам оғритар кимдир,***
***Ки битта сўзни тиғи юзта шамширдан эрур ўткир.***

***Бархурдор ибн МАҲМУД.***

◆ ҲИКОЯТ. Бир зебо йигит ҳақида ҳикоя қилишларича, у пайваста шароб ичар, гулдек юзини сўлдириб, ёру дўстларининг жонига жафо тиғини санчар эди. У сархушлик туфайли бечоралар дилини ёндирар, жигари қонлар танини азоб ўқи билан поралар эди. Натижада дўстлари уни даволашдан кўз юмдилар, гулгун жамолига боқишдан эса дил уздилар.

Эшитишимча, бир куни унинг ҳузурида Лайли ва Мажнун ҳақида суҳбат бўлибди. Шунда у йигит: «Лайли унчалик гўзал эмас экан, нега энди Мажнуннинг дили унга шунчалик ром бўлган экан?» — деб қолибди. Шунда дўстлари: «Мажнунни ром қилган нарса Лайлининг чиройли жамоли эмас, балки чиройли хулқи!» деб жавоб беришибди. Байт:

***Дилраболар ошиқ аҳлин ўлдирур тош дил билан,***
***Лек қайта тиргизур хушхулқу, ширин тил билан!***
***Сен ғазаб бирла бирор филни енголмассан бироқ,***
***Бўлса юмшоқлик уни ром айлагунг бир қил билан!***

***ХУРРАМИЙ.***

◆ Азизим, жоҳил ва ноаҳил кишилар суҳбатидан қоч, оқил ва комил кишилар суҳбатига интилгинки, фисқу фужур аҳлининг суҳбати бир куни ўзингга зиён келтирувчи илон суҳбатига ўхшайди. Ақлли кишиларнинг хизматини қилиш фойдадан холи бўлмаган аттор дўконига ўхшайдики, атторнинг дўкони ҳамиша кишиларнинг димоғини ўз ҳиди билан баҳраманд этади. Байт:

***Аттор каби бўлгин, чунончи аттор,***
***Ўзгалар либосин қилар муаттар!***

◆ Азизим, сафардан кўпгина тажрибалар ва беҳад фойдалар юзланади. Кўрмайсанми, осмон доимо айланиб тургани учун ҳамма нарсадан юқори, ер бир ерда тургани учун ҳар қандай нокас оёғи остида хор. Байт:

***Уйида юраги ғуссага тўлган,***
***Кишига ҳаммадан яхшиси сафар.***
***Сафарким, қанчалар оғир бўлмасин,***
***Уйда сиқилишдан яхшию, бехтар!***

***Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.***

◆ ҲИКОЯТ. Косиб ва ҳунарманд бир кишининг бир неча ўғиллари бўлиб, улар ҳар куни ўзаро низо қилиб уришардилар. Бир куни кекса косиб бир даста чўпларни йиғиб, маҳкам боғлади ва ўғилларига бериб: «Қани, бу чўпларни синдирингларчи, — деди. Ўғиллари қанчалик уринишмасин барибир синдира олишмади. Шунда ота боғланган чўпларни ечди ва бир донадан ўғилларига бериб: «Энди синдириб кўринглар», — деди. Улар чўпни синдиришди. Шунда ота ўғилларига қараб: «Ҳозир ниманики кўрган бўлсаларингиз у сизларнинг аҳволингизга мисолдир; агар иттифоқ бўлсангиз, ҳеч ким сизларни синдира олмайди, агар муроса қилмай, бир-бирингиздан ажралиб яшасангиз, қийинчиликлар олдида бошингиз ҳам бўлади!» деди.

***Ғулом Муҳаммад ВОСИФ.***

◆ Отини «ака» қўйган киши ака бўлавермайди.

◆ Жавобини қайтаришдан ожиз бўлган одамга мушт отма.

Ўзингдан ожизларга раҳм билан, ўзинг билан тенгларга инсоф билан, ўзингдан устунларга ақл билан боқ.

Золимнинг зулми ўзини йиқитади.

Кучсиз шамол ожиз гиёҳларга бўрон бўлиб туюлади.

Кимки бировнинг пайини қирқса ўзиники ҳам қирқилади.

***«Аталар» сўзларидан.***

*Форс, араб тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.*




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0628. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6